O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган 2000 йил 20 декабрь, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 99 (7294)

Da'vat

Ақлий заковат ва руҳий маънавий салоҳият — маърифатли инсоннинг икки қанотидир.

Ислом КАРИМОВ

Ibrat

Уйчидаги "Ал-жаҳон" ўзбек-хитой хусусий қўшма корхонаси жамоаси (раҳбари Ҳабибулло Мирзааҳмедов) Машад қишлоғи аҳолиси учун навбатдаги ижтимоий иншоотни туҳфа қилди. Тадбиркорлар ўз маблағлари ҳисобидан тикланган 100 ўринли болалар боғчасини фойдаланишга топширишди

Faxr

ЮРТГА МЕҲР, ХАЛҚҚА ҲУРМАТ ВА ЭЪТИҚОД БЕЛГИСИ

Президентимизнинг ҳар йили Конституция байрами арафасидаги тантанада сўзлайдиган нутқини барча орзиқиб кутадиган бўлиб қолганига анча бўлди. Чунки, шу куни давлатимиз раҳбарининг келгуси ҳаётимиз, янги йил учун аҳамиятли қатор янгиликларни туҳфа этиши одат бўлиб қолди. "Туркистон" саройида бўлиб ўтган бу йилги тантанада ҳам Президентимиз нутқ сўзлар экан, давлат мадҳиясига муносабат масаласига алоҳида тўхталиб ўтди. Бу ҳақда муштарийларимизнинг фикрлари билан қуйида танишасиз:

Саида АБДУЛЛАЕВА, Сирғали туманидаги 237-мактаб ўқитувчиси:

— 8 декабрнинг эртасигаёқ бу таклифнинг амалий ижросини йўлга қўйдик. Мактабимизда ҳар душанба куни давлат байроғимиз кўтарилганда, шанба кунлари байроқ туширилганда ва ҳар куни биринчи соат дарс бошланганда барча синфларда мадҳиямиз куйланиб, болалар ва ўқитувчилар ҳам уни қўлларини кўксига қўйган ҳолда тинглайдилар. Бу ниҳоятда чиройли чиқар экан.

Аъло ИСОҚОВА, Тошкент шаҳридаги 64-мактаб ўқувчиси:

—Ҳар душанба куни эрта тонгда мактабимиз ҳовлисига йиғилиб қўлимизни кўксимизга тутган ҳолда мадҳиямизни жўровоз бўлиб куйлаймиз. Ҳар сафар мад-ҳияни куйлаш давомида юрагимда халқимизга, Ватанимизга бўлган меҳру муҳаббат ҳиссини туяман. Бепоён юртим, унинг жаннатдек жойлари борлигидан фахрланаман. Қўлимни кўксимга қўйиб турар эканман, қалбимда кечаётган озодликдан, мустақилликдан ғурурланиш туйғуси бутун жисмимда жўш ураётганлигини сезаман.

Дилдора ТЎЙЧИЕВА, ЎзМУ талабаси:

— Мактабда ўқиб юрган кезларимда дарсни бошлашдан аввал мадҳиямизни жўровоз бўлиб айтар эдик. Тантанали кечаларда, спорт мусобақаларининг очилиши олдидан худди аскарлардек тик туриб уни тинглардик ҳам. Бир куни қўшни мактабга бордик. У ерда 6-синф ўқувчилари мадҳиямизни қўлларини кўксига қўйиб ижро этишарди. Ёнимдаги дугонам буни кўриб: — "Ие, мадҳияни ҳам шундай айтадими?", деб ажабланди. Сўнгра мадҳия салом бериш эмас-ку, деб қўшиб қўйди. Шунда ўйланиб қолдим. Мадҳияни қўлимизни кўксимизда тутиб айтсак ёмонми, бу бизнинг ифтихоримизни, миллийлигимизни, ўзига хослигимизни кўрсатмайдими. Ҳамма халқнинг ўзига хос одати бор. Қўлни кўксига қўйиб ҳурмат бажо келтириш инсоннинг инсонга бўлган ҳурматини билдирмайдими? Мен мадҳиямизни қўлимизни кўксимизга қўйиб куйлашни мадҳиямизга, демакки халқимизга, Мустақил давлатимизга бўлган чексиз муҳаббат ва ҳурмат, ундан фахрланиш белгиси деб биламан.

Физика, математика, чет тилини чуқур ўрганишга ихтисослашган Тошкент архитектура-қурилиш институти қошидаги лицей 1996 йилдан буён фаолият кўрсатиб келмоқда. Уларга 7 нафар фан доктори, профессор, 12 нафар фан номзоди, жами 39 нафар юқори малакали ўқитувчилар дарс бермоқдалар.

Лицейда дарслар сифати ва самарадорлигини ошириш мақсадида бир қатор чора-тадбирлар қўлланилади. Шулардан бири "Ўқитувчилар ўқувчилар нигоҳида" махсус саволлар тизими бўлиб, ўқувчилар берган жавобларга кўра ўқитувчилар фаолиятидаги ютуқ ва камчиликлар аниқланиб, таҳлил қилинади. Бу, албатта, ижобий самара бермоқда.

Суратларда:

• Ўқувчиларнинг юқори баҳосига сазовор бўлган ўқитувчи, физика-математика фанлари номзоди Бойхон Норматов физика лабораториясида машғулот ўтмоқда.

• Она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Дилдора Маткаримова ҳамда ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари Абдуқодир Омонов болалар билан тез-тез мулоқот-мунозара ўтказиб турадилар.

Равиль АЛЬБЕКОВ олган суратлар.

Toshkentda Qoraqalpog'iston madaniyati kunlari

ТОМИРИ БИР ХАЛҚНИНГ МАДАНИЯТ БАЙРАМИ

Мана, бирнеча кундирки, пойтахтимиз кўчалари, боғларию сайилгоҳлари, маданият саройларию театр саҳналари байрам либосларига бурканган. Муборак рамазон ойининг ушбу тароватли кунларида пойтахтимизнинг маданий-маърифий ҳаётида муҳим воқеа — Қорақалпоғистон маданият кунлари байрами бўлиб ўтди. 15 декабрь куни Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта театрида тантанали очилиш маросимидан бошланган бу байрам пойтахтимиз бўйлаб 18 декабргача давом этди.

Байрам кунларида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Фармонига биноан, узоқ йиллик самарали ижодий меҳнатлари билан мамлакатимизда маданият ва санъатни юксалтиришга, миллатлар ўртасидаги дўстлик ва қардошликни мустаҳкамлашга қўшаётган катта ҳиссаси ва ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қорақалпоғистонлик ижодкорлардан бир гуруҳи давлатимизнинг фахрий унвонлари, орден, медаллар, фахрий ёрлиқлари билан тақдирланиши байрам шодиёналарига ўзгача бир руҳ, унинг иштирокчиларига эса яхши кайфият бағишлади.

Жойларда қорақалпоқ адабиёти ва санъати вакиллари, мазкур байрам иштирокчилари билан кўплаб учрашувлар, дўстлик ва маданият кечалари, ижодий мулоқотлар, мушоиралар ташкил қилиниб, бу тадбирларда ўзбек билан қорақалпоқнинг азалий дўстлиги, маданияти ва санъатининг уйғунлиги яна бир бор тараннум этилди. Қорақалпоқ халқининг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, маънавий юксалишида ўз мавқеига эга эканлиги эътироф этилди.

Қорақалпоғистонлик меҳмонлар Тошкент шаҳридаги қатор таълим-тарбия муассасалари, маданият ва маърифат масканларига ташриф буюриш билан бирга пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги "Исломобод" маҳаллагузарида ҳам бўлишди. Улар ушбу маҳаллада амалга оширилаётган ижобий ишлар, хайрли тадбирлар мазмуни билан танишар экан, бу ерда фуқароларнинг ўзўзини бошқариш органи самарали фаолият юритаётганлигининг гувоҳи бўлишди.

18 декабрь куни байрам иштирокчилари яна Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта театрида йиғилишди. Бу ерда Тошкент шаҳрида Қорақалпоғистон Республикаси маданият кунларининг тантанали ёпилишига бағишланган маросим бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон маданият ишлари вазири Хайрулла Жўраев очиб, икки қардош халқнинг асрлар оша мустаҳкамланиб келаётган дўстлиги тўғрисида гапирди. Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси раиси Темур Камолов мазкур байрам янги йил, янги аср бўсағасида ўтказилаётганлигининг бежиз эмаслиги, 2001 йилда ҳам диёримизда ана шундай байрамларнинг кўп бўлишини тилади.

(Давоми 4-бетда)

Bu sizning kitobingiz: o'qing, o'rganing, asrang, avaylang!

МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИ: БУЮК КЕЛАЖАККА ЭЛТУВЧИ НУР

Яқинда ижтимоий ҳаётимизда муҳим маънавий-маърифий ҳодиса юз берди. Халқимизнинг асрий орзуинтилишлари, бой меросимиз, Юртбошимиз Ислом Каримовнинг асарлари, маъруза ва нутқларидаги маънавий-маърифий фикрлар асосида яратилган "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" рисоласи нашрдан чиқди. Бу дастурий китобда миллий ғоя ва мафкура тушунчалари, уларнинг халқлар ва давлатлар тарихига таъсири, ҳозирги шароитда мафкуравий сиёсатнинг

тиш мумкин. Ушбу нашриёт томонидан умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари учун янги бир китоб чоп этилди. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан нашр-га тавсия этилган мазкур китоб "Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари" (умумтаълим мактабларининг еттинчи синфи учун ўқув қўлланмаси, муаллиф педагог-олим Т. Қурбонов) деб аталади. Жорий ўқув йилининг III чорагидан бошлаб ўтилажак мазкур дарс бўйича қўлланма беш бобдан иборат. Уларда миллий ғоя ва мафкура тушунчалари "Ғоя ва мафкура тушунчалари", "Маънавият-инсон қалбининг қуёши", "Маънавий етуклик фазилатлари", "Оила маънавияти", "Қариндош-уруғ ва яқин кишиларга муносабат маданияти" деб номланган катта-кичик бобларда баён қилинган.

ўрни, миллий истиқлол ғояси, унинг асосий тамойилларини халқимиз, аввало ёш авлод онгига сингдириш каби масалалар ихчам ва теран тарзда баён этилган. Шу боис, бу рисола маънавий-маърифий тараққиётимиз янги босқичини бошлаб берди, дейиш мумкин.

Тўпланаётган тажрибалар миллий ғоя, мафкура ёшларнинг маънавий тарбиясидан баҳс этувчи мақолалар, тадқиқотлар худди шу дастурий китобчадаги боблар ва бандларга пайванд бўлиши ва улар халқимиз, биринчи навбатда ёшларимиз онгига сингдирилиши мақсадга мувофиқ. Дарҳақиқат, юқоридаги мавзуда ўнлаб катта-кичик асарлар юзага келди. Буларга Республика Маънавият-маърифат Кенгаши қошидаги "Маънавият" нашриётида чоп этилаётган туркум рисолаларни мисол қилиб кўрса-

(Давоми 2-бетда)

ҚИССАДАН ҲИССА

БЕҲБУДИЙ ВА МУНАВВАР ҚОРИ

Аср боши ҳужжатлари асосидаги ҳикоят

Асримиз бошида яшаб, ижод қилиб, мустақиллик учун курашган, буюк маърифатпарвар Маҳмудхўжа Беҳбудий ўз ҳисобидан "Самарқанд" газетасини очиб, унга муҳарриру ноширлик қилгани ва бу нашр кўпчиликнинг «кўзуни очмакка хизмат қилгани» бизга маълум. Обуначилар сони камайиб кетганлиги боис маблағ етишмаслигидан газета тўхташ даражасига боради. Бу ҳақда Беҳбудий газетада мақола ҳам беради. Лекин... газета тўхтамайди. Чор Россиясининг "Охранка"си архивини ўрганганимизда бир айғоқчининг "чақувига" кўзимиз тушди. Унда айтилишича, Беҳбудий "Самарқанд" газетаси ётқурилади", деб ёзгани Тошкентга етган куниёқ яна бир миллатпарвар, маърифатпарвар, озодлик учун курашган ва қатағон этилган бобомиз Мунаввар қори кечқурун поездга ўтириб Самарқандга боради. Айғоқчининг чақувига кўра, Мунаввар қори Самарқандга пул олиб борган, лекин Беҳбудий пулни олмаган...

Бироқ, юқорида таъкидлаганимиз, газета яна анча пайт босилиб туради. Қолаверса, гап Беҳбудийнинг Мунаввар қоридан пулни олган-олмаганлигида ҳам эмас...

Қиссадан ҳисса чиқариш учун савол: Унда гап нимада? Нега Мунаввар қори Тошкентдаги шунча ишини ташлаб, моддий қийинчилигу чор хавфига қарамай Самарқандга отланди?

Боланинг мактабга тайёргарлиги қаерда ва қандай кечган, улар ҳозир ўзларини мактабда қандай ҳис қилишяпти, каби саволларга жавоб излаш мақсадида Тошкент шаҳар ижтимоий фанларга ихтисослашган 254-умумтаълим мактабининг 1"Е"-синфи ўқувчилари мисолида кузатув олиб борганимда боғчадан ва уйдан келган болалар ўртасидаги фарқларга эътибор қаратдим.

18 сентябрь 2000й

ТАНИШУВ

Синф тўла ўғил-қизлар... Бир-биридан содда, бир-биридан беғубор... Кўзлари-да, сўзлари-да дилкаш уларнинг! Қўнғироқда синф раҳбари Гулнора опа Исамуҳамедовага ҳам синфни яхши ёки ёмон дейишдан азбаройи йироқлигимни, фақатгина болаларни кузатиб, бир-бирининг руҳий ҳолатларидаги фарқларни, дунёқараши ва мунозарасини билмоқчилигимни айтиб қўяман.

Уялибгина турган қизга "ўртанча" Шоҳиста сенмисан? —дейман.

—Ҳа... деб қўяди секингина.

—Қаторда энг биринчи ким туради?

—Зоҳид, Зоҳид деб қийқиришади улар. Зоҳид эса

КАМАЛАККА ЎХШАР БОЛАЛАР

Kuzatuv

Болалар билан саломлашиб, охирги партага ўтирар эканман:

—бизни текширишга келди..., ана ҳаммамизга қараяпти... деган пичир-пичирлар қулоғимга чалинди. Шунда улар билан иложи борича норасмийроқ, ўзларининг тилида гаплашишни дилимга тугиб қўяман.

—Сенинг исминг нима?

—Мен Шоҳиста..., Жоҳонгир..., Мухлиса..., Шоҳиста..., Даврон, Шоҳиста....

—Вой-бў Шоҳисталар кўп эканку?!

—Энг узун Шоҳиста менман.

—Кичкинаси менман.

ўртоқларидан кўра бошқачароқ салобат билан ғурурланиб кулибгина қўяди.

—Мен Зоҳиддан кейин тураман, —қўшилади Бекзод.

—Қайси қатор энг яхши қатор?

—Бизники, бизники... — уларнинг ҳаммаси мени ўзларига ишонтиришга тушиб кетади.

(Давоми 3-бетда)

JUMLADA JAHON

• Республика Пул-кредит сиёсати комиссиясининг навбатдаги мажлисида Вазирлар Маҳкамасининг пул муомаласини барқарорлаштириш, накд пул муомаласини тўғри ташкил этиш ҳамда уни тартибга солиш, шунингдек, иш ҳақининг ўз вақтида тўланишига доир қарорлари ижроси, корхоналарда хорижий валюта тушумлари аҳволи ҳамда бошқа бир қанча муҳим масалалар муҳокама этилди.

• Янги йил арафасида инсонпарварлик юки ортилган "ЭКОСАН — Эколот Орол оналари ва болаларига" махсус самолёти Оролбўйи минтақаси томон йўл олади.

• "Ўзбектелефильм" студияси режиссёри Тожиддин Исроилов Садриддин Айний номидаги Бухоро вилоят мусиқали драма ва комедия театри ижодий жамоаси иштирокида "Абу Хафс Кабир" бадиий фильмини суратга олишни тугаллади.

• Чеченистон ҳудудидаги нефть қазиб олинадиган конларнинг 38 тасида ёнғинлар давом этмоқда.

• Эрон Соғлиқни сақлаш вазирлиги "Эрон эйр" миллий авиакомпаниясининг барча рейсларида чекиш таъқиқланишини маълум қилди.

• Япония Европадан гўшт импорт қилишни тўхтатиб қўйди.

• Россия ҳукумати нефть хом ашёсининг ҳар бир тоннасига белгиланган экспорт тўловини 48 еврогача ошириш тўғрисида қарор қабул қилди.

• Саудия шаҳзодаси Волид ибн Талол ал-Сауд Шарқнинг тугаётган мингйилликдаги энг бой одами сифатида тан олинди.

• АҚШда жорий йилда 84 та олий жазо ижро қилинди.

Ўз-ўзидан кўриниб турғани каби бу усул ҳар бир ўқувчига бир томондан улкан ишончни, иккинчи томондан улкан миллий бурчни юклайди.

Янги асрда ҳар бир ўқувчимнинг хонадонида шахсий компьютер ва кутубхоналари бўлишини, ўқувчиларнинг ёзма ишларини текшириб берувчи қурилмалар ихтиро қилинишини истайман.

РЕСПУБЛИКА ЎҚИТУВЧИЛАР СЪЕЗДИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ МАСАЛАСИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг навбатдаги ҳайъат мажлисида шу куннинг энг муҳим ва долзарб масалалари муҳокама этилди. Чунончи, унда вазирликнинг "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"ни рўёбга чиқариш бўйича белгиланган тадбирлари ижроси, бу борада вужудга келган муаммолар ва уларнинг ечими, биринчи босқич натижаларининг таҳлили асосида иккинчи босқичда бажариладиган вазифалар бўйича режаларни ҳар томонлама муҳокама қилиш ҳамда ўқитувчилар, тарбиячилар, жамоатчилик вакилларининг мурожаатларини инобатга олиб, мамлакатимиз мустақиллигининг 10 йили давомида халқ таълими тизимида амалга оширилган ишлар сарҳисобини қилиш мақсадида 2001 йил июнь ойида республика ўқитувчилар съездини ўтказиш таклифи борасида атрофлича фикрлашиб олинди.

Республика ўқитувчилар съездига тайёргарлик даврида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳамда туман(шаҳар)лар миқёсида ўқитувчилар конференциялари, таълим муассасаларида эса махсус педагогик кенгашлар ўтказилади. Жойларда республика ўқитувчилар съездига тайёргарлик кўриш, амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилиш, навбатдаги вазифаларни белгилаш мақсадида ўқитувчилар анжуманларини қуйидаги тартибда, яъни:

— республикадаги барча турдаги мактабгача, умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим муассасаларида педагогик кенгаш — 2001 йил январь ойида;

— туман(шаҳар)ларда ўқитувчилар конференциялари — 2001 йил март ойида;

— Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича ўқитувчилар конференциялари, Олий ва ўрта махсус педагогика ўқув юртлари, республика тасарруфидаги ташкилотлар ва жойлардаги малака ошириш институтларида илмий кенгаш (педагогик кенгаш)лар — 2001 йил апрель ойида ўтказиш тавсия этилди.

Ҳайъат йиғилиши қарорига кўра, республика ўқитувчилар съездига тайёргарлик кўриш бўйича ташкилий қўмита таркиби ҳам тасдиқланди ва Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари бошлиқларига, педагогика ўқув юртлари ва республика тасарруфидаги ташкилотлар раҳбарлари, педагогик газеталар ва журналлари таҳририятлари зиммасига қатор вазифалар юклатилди.

Ҳайъат йиғилишида яна бир муҳим "Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизими муассасаларида архив иши ва иш юритишнинг йўлга қўйилиши ҳамда бу соҳадаги ишларни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги масала бўйича Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бош архив бошқармаси режалаштириш ва ташкилий-услубий ишлар бўлими бошлиғи З.Мусаева сўзга чиқди. Бу масала бўйича қўшма ҳайъат қарори қабул қилинди. Унга кўра, текшириш жараёнида аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш бўйича аниқ муддатлар ҳамда мутасаддиларга вазифалар юкланди.

Шу қаторда Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари томонидан иш юритишни яхшилаш бўйича олиб борилаётган ишлар етарли эмаслиги қайд этилди ва уларга қатор топшириқлар берилди...

Ҳозирги кунда таълим мазмуни ва самарадорлигини ошириш ҳам муҳим масалалар сирасига киради. 2000 йилги таҳлилларнинг кўрсатишича, ўқув юртларига кириш имтиҳонларида абитуриентларнинг билим даражаси йилдан-йилга тушиб бораётганлиги кузатилмоқда. 2000 йилда 60 фоиздан 100 фоизгача диапазондаги юқори балларга эришган абитуриентлар сони 373 нафарни ташкил этган, холос. Аҳволни яхшилаш мумкинми? Ана шу хусусдаги ва таълим самарадорлигини оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларини ДТМ раҳбари Муҳсин Муҳиддинов атрофлича асослаб берди.

Hay'at yig'ilishida

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Рисбой Жўраев раислик қилган ҳайъат мажлисида, шунингдек, "Сурхондарё вилояти халқ таълими муассасаларида маънавий-маърифий ишларнинг йўлга қўйилиши ҳамда бу фаолият таъсирчанлигини ошириш бўйича амалга оширилаётган тажриба-синов ишлари самарадорлигини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, "Вазирлик тасарруфидаги педагогика, илмий-тадқиқот институтларининг Фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлигини таъминлаш ҳақида"ги ҳамда "Навоий вилоятининг Зарафшон шаҳри ва Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани халқ таълими бўлимларида таълим муассасаларини дарсликлар, ўқув қўлланмалари билан тўлиқ таъминлашнинг аҳволи ҳамда бу соҳадаги ишларни янада яхшилаш тадбирлари тўғрисида"ги масалалар ҳам жиддий таҳлил этилди. Йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф қилиш чоралари юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди. Кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиниб, мутасаддиларнинг ҳар бир ишга масъулият билан ёндашиши, акс ҳолда уларга нисбатан қатъий чоралар кўрилиши айтилди.

Энг муҳими, ҳайъат йиғилиши якунида республика ўқитувчилар съездига тайёргарлик кўриш масаласига барча бирдек ёндашиши зарурлиги таъкидланди ҳамда келажакдаги вазифалар белгилаб олинди. Хуллас, ҳайъат мажлиси ҳар бир масалага ўта танқидий руҳда ёндашилгани билан бошқа йиғилишлардан ажралиб турди.

Қ.МАТҚУРБОНОВ

Prezident asarlari bilimdonlari

ТЕРАН ФИКРЛИ ЎҚУВЧИЛАР

Ёш авлодни жисмонан, маънан баркамол қилиб ўстиришда жойларда турли мусобақалар, фестиваллар, кўрик-танловлар ўтказиб келинмоқда. "Ниҳол — 2000", "Олимпиада умидлари — 2001" мусобақаси, "Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!" қўшиқлар фестивали шулар жумласига киради. Бундай тадбирлар йилдан-йилга кўпайиб, оммалашиб бормоқдаки, бундан ғурурланса, фахрланса арзийди. Эндиликда улар қаторига анъанавий тарзда давом этажак Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Республика илмий-педагогика кутубхонаси ҳамкорликда умумтаълим мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказадиган "Президент асарлари билимдони" Республика кўрик-танлови ҳам қўшилди. Куни кеча ушбу мусобақанинг якуний босқичи пойтахтимиздаги илмий-педагогика кутубхонаси ҳамда Алишер Навоий номидаги Нафис санъат лицейида ўтказилди. Унда 13 ёшдан 16 ёшгача бўлган ўқувчилар иштирок этиб, оғзаки ва ёзма баён, тест саволлари ва ижодий танлов шартларини бажаришди.

Якунловчи босқичда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан энг билимдон, доно ўқувчилар ташриф буюришди. Кўрик-танловнинг биринчи кунида меҳмонлар пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилишди ҳамда ёш томошабинлар театри актёрлари билан ҳам ижодий учрашув ўтказишди. Иккинчи куни танловнинг асосий босқичи бўлиб ўтди. Меҳмонлар Республика илмий-педагогика кутубхонасида тантанали равишда кутиб олинди.

Шундан сўнг кўрик-танлов иштирокчилари лицей ўқувчилари билан биргаликда Республикамиз мадҳиясини ижро этишди. Танлов шартларининг биринчи босқичи, яъни Президент асарлари бўйича ёзма баёнлар ўтказилди. Шу куни оғзаки баёнлар ҳамда тест саволлари ҳам бўлиб ўтди. Танловнинг учинчи куни республика Нафис санъат мактабида давом этди. Унда асосан ижодий танлов ўтказилиб, иштирокчилар ўзлари тайёрлаган реферат, шеър, альбом, расмларини ҳакамлар ҳайъатига тақдим этишди. Қатнашчиларнинг наиштирокчилари лицей ўқувчилари билан биргаликда Республикамиз мадҳиясини ижро этишди. Танлов шартларининг биринчи босқичи, яъни Президент асарлари бўйича ёзма баёнлар ўтказилди. Шу куни оғзаки баёнлар ҳамда тест саволлари ҳам бўлиб ўтди. Танловнинг учинчи куни республика Нафис санъат мактабида давом этди. Унда асосан ижодий танлов ўтказилиб, иштирокчилар ўзлари тайёрлаган реферат, шеър, альбом, расмларини ҳакамлар ҳайъатига тақдим этишди. Қатнашчиларнинг натижалари тез орада кўриб чиқилгач, ғолиблар ҳам аниқланди. Унга кўра, мусобақанинг барча шартларини муваффақиятли бажарган Тошкент шаҳри Сирғали туманидаги 284-иқтисод лицейи 11-синф ўқувчи Дилфуза Қўлдошева 90 балл билан биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ўрин соҳиби Самарқанд вилояти Темирйўл туманидаги 64-мактабнинг 11-синф ўқувчиси Гулзода Сафарова (81 балл) бўлди. Учинчи ўрин Сирдарё вилояти Ш. Рашидов туманидаги 5-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Ғайратжон Мамаюсупов (75 балл)га насиб этди.

Тадбир сўнгида 1-, 2-, 3- ва фахрли ўринларни эгаллаган ўқувчиларга Халқ таълими вазирлигининг фахрий ёрлиқлари ва эсдалик совғаларини вазирнинг биринчи ўринбосари Рустам Аҳлиддинов топширди.

Ушбу кўрик-танлов ҳақидаги батафсил маълумот билан газетамизнинг келгуси сонларида танишасиз.

Беҳбуд БОТИРОВ, "Маърифат" мухбири

Суратларда: кўрик-танловдан лавҳалар.

Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар

XXI АСР — ИНТЕЛЛЕКТУАЛ АВЛОД АСРИ

Маҳмуда ВАЛИЕВА, Юнусобод туманидаги 274-мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси:

—Ўтаётган аср ҳаётимда катта из қолдирди. Аввало, ўқитувчиларга кўрсатилаётган иззат-икром, миллий қадриятлар улуғланган ажойиб асарлар билан бойитилган янги дастур ва дарсликлар, барча фанларни ўқитишдаги янги педагогик технологиянинг жорий этилиши унутилмас воқеалардан бўлди.

Шахсий ҳаётимдан сўзласам, қизим Гулюзхонни турмушга бердик, Президентимиз фармони билан "Соғлом авлод учун" ордени билан мукофотландим. Ҳар йили шаҳар ва республика олимпиадаси, ижодкор ўқувчилар анжуманлари ҳайъати аъзоси сифатида қатнашар эканман, ўқувчиларнинг чуқур билими, мантиқли мушоҳадаларини тинглаб, уларга берилаётган имтиёзлардан кўнглим тоғдек кўтарилади. Ахир, республика олимпиадаси ғолибларининг ҳеч қандай тест синовларисиз олий ўқув юрти талабалари бўлиши яна қайси мамлакатда бор?

Янги асрда ҳар бир ўқувчимнинг хонадонида шахсий компьютер ва кутубхоналари бўлишини, ўқувчиларнинг ёзма ишларини текшириб берувчи қурилмалар ихтиро қилинишини истайман. 11-синфни битираётган 70 нафар қорақўзим — битирувчиларим орасидан давримизнинг Улуғбегу Нодирабегимлари етишиб чиқишини орзу қиламан.

Гулжазира УСМОНОВА, Чирчиқ шаҳар ҳокимлиги меъморчилик ва шаҳарсозлик бўлими мутахассиси:

— Аёл кишига иш вақтида ҳам севимли машғулот билан шуғулланиш қўшимча завқ-шавқ бағишлар экан. Айниқса, бу борада сизни энг яқин одамларингиз қўллаб-қувватлаб туришса, ишдаги ютуқларингиз оилавий байрамга айланиб кетиши ҳеч гап эмас экан.

Ўтган асрнинг сўнгги йиллари биз учун ширидан-шакар икки нафар фарзандимизнинг туғилганлиги билан қимматлидир. Янги асрга энг бахтли оналардан бири сифатида қадам қўяётганимдан бахтиёрман.

БАЙРАМ — ТАРБИЯ ВОСИТАСИ

"ПРЕЗИДЕНТ АРЧАСИ" ҲАМДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ҚИШКИ ТАЪТИЛИНИ КЎНГИЛЛИ ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА МЕТОДИК *ТАВСИЯЛАР*

"Байрамлар халқнинг шодлик ва хурсандчилик куни" деган эди Шарқнинг буюк олими Маҳмуд Қошғарий. Дарҳақиқат, байрамлар қадимги даврдан бошлаб инсон ҳаётининг энг муҳим ва таркибий қисмига айланган. Уларни интиқиб кутмайдиган халқнинг ўзи бўлмаса керак. Зотан, байрамлар инсоният ҳаётининг тарбиявий қисми бўлибгина қолмай, балки ижтимоий турмушдаги, маданият, маънавият ва тарбия тизимининг энг асосий воситаларидан биридир. Айниқса, Янги йил байрами ҳар бир ўтаётган йилнинг моҳиятини чуқур англашга, келажакка катта умид боғлашга ёрдам беради. Шунинг учун ҳам кишилар байрам арафасида бир-бирларини қутлайдилар, ҳолидан хабар оладилар, яхши ният ва тилаклар билдирадилар.

Янги йил байрамини нишонлаётган, ҳар томондан ўзини тушуниб олган, ўзини англаб олган кишиларимиз шу кунни "Сарҳисоб" деб атайдилар. Чунки, инсоният босиб ўтган йўлига назар ташлаб, ютуқлари бўлса қувонади, камчиликлари бўлса тузатишга киришади.

Янги йил байрами, айниқса болажонларимиз учун ҳақиқий шодиёнага айланиб кетади.

Дастурхонлар безатилади, ойижонлари турли-туман пишириқлар пиширишади, ширинликлар тайёрланади, катталардан тортиб, болажонларимизгача янгича руҳда, кўтаринки кайфиятда бўладилар, тоза, чиройли кийимларни киядилар. Янги йилнинг энг аҳамиятли ва фарқли томони давра ўртасида, уй тўрида арчанинг безатилиши, қоронғи тушганда, Қорбобо ва Қорқизнинг кириб келиши ва болаларга совға улашишларидир. Болалар то янги йилгача ўзлари билан арча ўйинчоқларини, бошга киядиган кийимларини ясаб, тайёр қиладилар. Қорбободан совға олиш учун ўнлаб шеър ва қўшиқлар ёд оладилар.

Янги йил арафасида жажжи ўғил-қизлар, кичкинтойлар, болалар қалбига яна бир қувонч улашилмоқда. Мамлакатимизнинг ҳар бир гўшасида "Президент арчаси" байрамларига тайёргарлик кетмоқда. Албатта, бу тадбирлар Ўзбекистонда илк бор нишонланаётгани йўқ. Юртбошимиз И.Каримовнинг бевосита тавсиялари билан кейинги саккиз йил ичида ҳар йили Янги йил байрами арафасида "Президент арчаси" ташкил этилиб, минг-минглаб болалар ранг-баранг дастурларнинг гувоҳи, тўкин совғалар соҳиби бўлмоқдалар.

Кириб келаётган янги йил улуғ ниятлар билан Оналар ва болалар йили деб номланди. Зеро, бу буюк мақсадларни кўзлаб қилинган ишдир.

Янги йил байрами нафақат арча атрофида хурсандчилик қилиш билан бирга рақсга тушиш, ашула айтиш, меҳр-мурувват, ғамхўрлик кўрсатиш, қариялар, ногиронлар, болалар уйи тарбияланувчиларининг ҳол-аҳволини сўраш, моддий ва молиявий ёрдам кўрсатиш, меҳр-мурувват тадбири ҳамдир. Савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилиши керак. Юртбошимизнинг ушбу сўзлари ҳар бир инсон учун дастурилламал бўлмоғи даркор. Айниқса, бу йилги Янги йил байрамининг бошқа йиллардагидан фарқи жуда катта.

Президент совғасини олаётган ҳар бир билимдон, аълочи, яхши хулқли бола, биринчидан, бу Президент совғаси эканлигини, Юртбошимизнинг болажонларга ғамхўрлигини, унинг "Мамлакатнинг барча болалари — менинг болаларимдир, қани эди, қучоғим кенг бўлсаю, барларингни қучоғимга боссам", — деган ҳароратли сўзларини яна бир карра эслайдилар ва шундай куюнчаги борлигидан, бағри кенг саховатпеша Президентлари қўллаб турганлигидан ғурурланадилар, фахрланадилар. Маънавиятнинг бош ҳомийси Президент эканлигини англаб етадилар.

Бу йилги байрамнинг яна бир фарқи янги асрнинг, янги мингйилликнинг бошланиши, ўтаётган йил адоғида эса рўзаи рамазон ойи якуни — Ҳайит байрамининг ҳам нишонланишидир.

Энди шуни таъкидлашимиз керакки, фарзандларимизнинг қишки таътилларини мароқли ва мазмунли ўтказишда мураббийлар ва ота-оналар томонидан режалаштирилган дастурларнинг алоҳида аҳамияти бор:

— уларни жамоа бўлиб болалар театри ва киноларга, мультфильм томошаларига, циркка боришларини уюштириш;

— музей ва юртимизнинг зиёратгоҳ қадамжолари билан таништириш (жумладан, Ўзбекистон тарихи музейи, Амир Темур хиёбони, Мустақиллик майдони ва жойлардаги зиёрат масканларига);

— аждодларимиз бино этган улкан ва маҳобатли иморатлар, ёдгорликлар қаршисида улар тарихини болаларга сўзлаб бериш;

— табиат қўйнига, ҳайвонот боғларига саёҳатлар уюштириб, она-Ватаннинг кўрки-жамоли қушлар ва ҳайвонот дунёсига қизиқиш ва меҳр уйғотиш;

— миллий мусаввир ва меъморларимизнинг бадиий кўргазмалари залларига ташриф буюриш, улар яратган санъат асарлари билан таништириш.

Ушбу йўналишдаги саёҳатлар:

— ўз халқининг тарихини яхши билиш ва у билан фахрланиш;

— қадимий обидалар, мислсиз иморатлар, аждодлар яратган бой моддий ва маънавий меросларни кўз қорачиғидай асраш ва авлодларга тақдим этиш;

— гўзал ва маъноли урф-одат, расм-русум ҳамда удумларни қадрлай билиш, уларни давом эттириш;

— миллий адабиёт, мусиқа, меъморчилик ва барча санъатлардан роҳатланиш, уларни асраш ва ривожлантириш;

— улуғ ватандошларимиз — аждодлар номи билан, уларнинг буюк ишлари билан фахрланиш, ҳозирги авлоднинг катта оламшумул ишлари, жасоратидан завқлана билиш;

— шундай ажойиб халққа, юртга унинг бой тили ва маданиятига мансублиги билан фахрланиш;

— мустақил давлатимизнинг буюклиги, истиқлолининг барқарорлиги, келажакнинг буюклигини юрак-юракдан ҳис этиш каби юзлаб фазилатларни болаларимиз қалбида уйғотишга таъсир кўрсатиши, шубҳасиз.

Режалаштираётган ишларимизнинг барча маъною моҳияти фарзандларимизни, келгуси авлодни улуғ аждодларимизнинг номи ва мероси билан фахрланишга ўргатиш, уларни ана шу буюк анъаналарнинг муносиб давомчилари қилиб тарбиялашга қаратилмоғи керак.

Республика Таълим маркази маънавий-маърифий ишлар бўлими

МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИ: БУЮК КЕЛАЖАККА ЭЛТУВЧИ НУР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мафкура, миллий ғоя ва уларнинг моҳияти ҳақидаги тушунчалар бир томондан ўқув дастури талабларига, иккинчи томондан, еттинчи синф ўқувчиларининг ёш хусусиятларига мос равишда баён этилган. Шу ўринда, китобнинг "Ғоя ва мафкура тушунчалари" деб номланган биринчи боби миллий истиқлол ғояси, мафкурамиз ҳақидаги илмий-назарий билимларнинг системали ва изчил баён этилиши, келтирилган факт ва далилларнинг ишончли ва таъсирчанлиги, кундалик ҳаёт билан боғланганлиги диққатга сазовордир. Ўқув қўлланманинг мафкуравий таълим нуқтаи назаридан ютуғини алоҳида қайд қилиш лозим. Бу нимада намоён бўлади? Образлиликда. Жумладан, китобда миллий мафкура ва ёт мафкуралар қиёсланиб, бегона мафкуралар таъсирига берилган айрим ёшларни кутаётган пушаймон, Ватан ва халқ ҳимояси йўлидаги фидойилик эса шараф келтириши ёрқин мисоллар орқали кўрсатиб берилган.

Бошқа фанларга оид дарслик ва қўлланмалардан маънавиятга оид ўқув қўлланмасининг фарқи шундаки, унда биргина соҳа (физика, кимё, жуғрофия ёки адабиёт, тарих) ҳақида гапириш билан кифояланиб бўлмайди. Маънавият мавзуидаги дарслик ёки қўлланма жамиятнинг иқтисодий-ижтимоий, тарихий, фалсафий, маданий-маърифий масалалар жамулжамидан иборат бўлиши ва уларни чуқур таҳлил қилиш ҳамда умумлаштира олиш талаб этилади. Китоб ижодкорлари баҳамжиҳатликда бунга эриша олганлар.

Қўлланманинг ўқувчида муайян қониқиш уйғотадиган яна бир жиҳати, унда халқимизнинг миллий қиёфаси ўзига хос ранг-барангликда ва яхлитликда ёритилганлигидир. Уни ўқиган ўқитувчи, ўқувчи, оддий китобхон ҳам миллатимизга хос меҳнатсеварлик, аҳиллик, каттага ҳурмат, кичикка иззат, аёлга эҳтиром, аждодлари анъаналарига садоқат, бошқа миллат ва мазҳаб вакилларига ҳурмат, ватанпарварлик каби туйғуларни ўзида қайта-қайта туяди. Китобда юқоридаги туйғулар илмий-назарий тушунчалар билан уйғунликда берилади.

Айниқса, мафкуравий парокандаликнинг аянчли манзаралари халқларни мустамлакалик балосига гирифтор қилиши, аксинча эса, миллий мафкура орқали миллий бирликка эришган халқларнинг қандай қилиб жаҳоннинг энг пешқадам мамлакатларига айланганликлари қўлланманинг 5-бандида ёритилган. Бу эса "Кучли давлатдан — кучли жамият сари" интилаётганимиз замирида улкан маъно-мақсад борлигини ўқувчиларга англатишга хизмат қилади.

Қўлланмадан ўқувчи-ўсмирларга бевосита марожаатлар ўрин олган. Масалан, "Муҳтарам ўқувчилар!", дейилади 25-бетда. "Сиз келажаги буюк давлат — Ўзбекистонимизнинг ишонган тоғлари, умидимиз. Ишонамизки, шу юртга, шу Ватанга керак инсонлар бўлиб етишаяпсиз. Ёт ғояларнинг юртимизга кириб келиши ва онгимизга ўрнашиб олишига сира йўл қўймайсиз". Ўз-ўзидан кўриниб тургани каби бу усул ҳар бир ўқувчига бир томондан улкан ишончни, иккинчи томондан улкан миллий бурчни юклайди. Ишонч ва талабнинг уйғунлиги эса улкан тарбиявий омил бўлади.

Шу ўринда мазкур дарсликнинг мазмун-моҳиятига мос тарзда ишланган бежирим муқоваси, ундаги миллий колорит ва албатта, сифат ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш жоиз. Негаки, буларнинг барчаси бир нарсага — ёшларни илм сари чорлашга хизмат қилади.

Ушбу ўқув қўлланмаси миллий истиқлол ғоясининг моҳиятини ўқувчиларбоп қилиб ёритиб берган биринчи ўқув қўлланмасидир. Унинг ёш авлодларимизнинг ғоявий ва маънавий тарбиясида аҳамияти катта бўлади, деб ўйлаймиз.

Муҳаммад ҚУРОНОВ, педагогика фанлари доктори

АНЖУМАН ВА ТАҚДИМОТ

Наманган Давлат университетида "Тарих ва тақдир: Фарғона тарихини ўрганишнинг долзарб муаммолари" мавзуида Республика илмий-назарий анжумани бўлиб ўтди. Ғоятда қизиқарли баҳс-мунозараларга бой тарзда ўтган анжуманда республикамизнинг турли бурчакларидан ташриф буюрган ўқитувчилар, олимлар, тарихчию зиёлилар, аспирантлар ва педагоглар қатнашишди, бевосита фикрлар алмашишди.

Шунингдек, анжуманнинг энг қизиқарли қисми ЎзФА Ўзбекистон Давлат тарих музейининг илмий ходими Жамолиддин Ёқубов ва бир гуруҳ музейшунос олимлар томонидан яратилган "Металлические и керамические изделия XVIII-XX вв. (из фондов Государственного музея истории Узбекистан)" китобининг тақдимот маросимини ўтказганлигидир. Ушбу рисола тарих фанлари доктори, профессор Қ.Иноятов раҳбарлигида ёзилган. Каталог тарихимизнинг моддий ёдгорликларини илмий-услубий равишда бир тизимга солиб нафақат илм аҳли, балки Ватанимиз тарихини ўрганувчи кенг оммага мўлжалланган илмий-амалий манба бўлиб хизмат қилади. Каталогнинг навбатдаги нашри ўзбек ва инглиз тилларида чоп этилади. ЎзФА тизимида 37 та илмий-тадқиқот институти бўлса, Ўзбекистон Давлат тарих музейи ушбу институтлардан бири ҳисобланади. Ушбу даргоҳнинг олимлари ва миллий ходимларининг фидокорона меҳнати натижасида яқинда яна икки катта каталог "Ўзбек миллий бош кийимлари" ва "Миллий либослар" номли китоблар чоп этиш режалаштирилган.

МУХБИРИМИЗ

Алишер Навоий "Хамса"сига кирган достонларнинг ҳаммасида Хизр сиймоси доимо йўл кўрсатувчи, ёруғ кунларга ундовчи эл ҳамроҳи, солики ишқни манзилига етказувчи муршид сифатида гавдаланади.

Шундан сўнг меҳрибон буви мактабда тез-тез кўринадиган, неварасини сўраб-суриштирадиган бўлди.

САБЗ ХИРҚАЛИ МУРШИД

Алишер Навоий тариқат пири сифатида тасвирлаган пайғамбарлардан бири Хизр алайҳиссаломдир.

Халқ оғзаки ижоди намуналари—ривояту афсоналарда Хизр "оби ҳайвон"—тириклик сувини ичиб, доимий тирикликка муяссар бўлган пайғамбар тарзида талқин этилади. Қуръони Каримнинг "Каҳф" сурасида Мусо ва Хизр пайғамбарлар орасидаги воқеа тафсилоти бор. Набийлар тарихидан маълумки, Мусо алайҳиссалом "Калимуллоҳ" — Оллоҳ таоло билан фариштасиз бевосита гаплашгувчи, деган номга сазовор бўлган зот. У бор ҳақиқатни фақат Оллоҳнинг Ўзидан билиб олган. Мусо Тангри таолога мурожаат қилиб: "бандаларнинг орасида мендан илмли киши борми" деб сўрайди. Тангри ўз пайғамбарини огоҳлантириб дейди: "Агар сенга бўлиб ўтган барча нарсалар тўғрисида билим берган бўлсам, бандаларим орасида шундай бир инсон ҳам борки, унга энди бўладиган нарсаларнинг билимини ҳам ато этгандирман, яъни сен ўз илм-маърифатинг билан бутун дунёга устоз бўлишинг мумкин, аммо у бандамга шогирд бўлишга ҳам ожизлик қилурсан". Бу зот Хизр эди.

Алишер Навоий "Хамса"сига кирган достонларнинг ҳаммасида Хизр сиймоси доимо йўл кўрсатувчи, ёруғ кунларга ундовчи эл ҳамроҳи, солики ишқни манзилига етказувчи муршид сифатида гавдаланади. "Ҳайратул-аброр"даги риёйи хирқапўшлар мақоласида Навоий икки тоифа шайхларнинг сифатларини Хизрга ўхшатса, Дилоромидан ажралган Баҳромнинг қалбидаги зулмат тасвирида ҳам Хизр ва тириклик сувига мурожаат қилади. Искандар Ҳиндистонга бориб, бу мамлакатнинг гўзал табиати билан танишади. Шунда шоир табиат гўзаллигини Хизрнинг хирқасига менгзайди. Аммо Хизр сиймосининг тасаввуфдаги муршидлик жиҳатларини ҳазрат Навоий "Фарҳод ва Ширин"да гўзал тарзда чизиб беради.

Неча йиллик тоат-ибодату илтижолардан сўнг Чин ҳоқони "шабистони"га Тангри таоло янги ой, йўққи, "меҳри олам орой" ато этади. Унга Фарҳод деб исм қўйилди. Уч ёшлигидан тили чиққан бу мурғак ишқ тўғрисида гапирар, гўё унинг маскани ишқ эди. Барча илмларни эгаллаган замонанинг улуғларидан таълим олганда ҳам у хастадил, ҳазин эди. Ўн еттига кирганда "жаҳонда ул етмаган ва касб этмаган" илм қолмади. Кўнгли, кўзи, тили, сўзию ўзи пок бу йигит ўз танасида қандай кечинмалар содир бўлаётганини билмайди, тўғриоғи, англамайди. Тўрт қаср қуриш баҳонасида Фарҳод ўз даврининг машҳур ҳунармандлари тош йўнувчи Қоран, наққош Монийдан касбу кор ўрганади. Қасрлар ичидаги базми жамшидлар, зару зевар, паривашу парирухсорлар унинг юзидаги дарду алам нақшини ўчира олмайди. Ниҳоят, ошиқи илоҳ отасининг хазинасига тушиб, ойинаи Искандардаги ёзувни ўқийди. Унда тилсимотнинг калити Юнон юртидаги хирадманди ягона Суқротдалиги ва унга етишиш йўлида бир неча манзили хатарнок борлиги таъ-

Navoiyxonlik

кидланган эди.

Агар ойинаи Искандарни кўриш сулукка кириш деб ҳисобланса, унга солик учун пир керак. Шунда Навоий Фарҳодга Суқротгача икки муршид таълимини беради. Буларнинг аввали Суҳайло, иккинчиси Хизр алайҳиссалом.

Фарҳод Суҳайло уқтирган хавфни енггач, отасидан дуо олиб йўлга чиқади. Осмондай кенг яйловда бўй чўзган дарахт ва унинг ёнида тиниқ булоқ. Сув тириклик чашмасию дарахт Хизр пайғамбар.

Қироғингда дарахти кўкка ҳамбар,
Бу ҳайвон суйи ул Хизри паямбар.

Фарҳод дарахтга отини боғлаб, булоқ сувида покланиб, Оллоҳга сажда қилади.

Кўтаргач бошни кўрди сабзпўше,
Юзи нурони андоқким суруше.

Байтдаги "сабзпўше" — Хизрга ишора. Сабз—яшил маъносида. Хизрнинг кийган хирқаси ҳам яшил—сабз рангида бўлган. Шу ўринда Навоий Искандар ва Хизр ҳақидаги ривоятга ишора қилади. Биламизки, бу икки зот тириклик сувини излаб йўлга отланишади. Тангри таоло иродаси билан Искандарга дунё тахти, Хизрга эса "оби ҳайвон"—тириклик суви насиб этади.

Сикандар бирла чун меҳнатга туштук,
Тилаб ҳайвон суйин зулматга туштук,

Хизр муридига машаққатларни енгиш йўлини кўрсатади. Унингча, Фарҳод ўтирган жойидан бир неча қадам юргач, деворлари осмонга туташ саройга дуч келади. Ундан уёғи ўн икки минг қадам. Ҳар қадам юз хил надоматга тўла.

Ҳамул ердин ўн икки минг қадамдур,
Вале ҳар бир қадамда ёз надамдур.

Фарҳод чалғимай тўғри бориб тошдан қилинган тешикка дуч келади. Бу ерда ётган шерни енгач тўққиз юз қадам юриб темир пайкарга дуч келади. Пайкарнинг кўксида Қуёшдай порлоқ ойнача. У юз қадамдан туриб ўшани аниқ отиши шарт. Ўқ тегса ўпчин ўз-ўзидан ёниб кетади. Агар тегмаса ўзи ҳалок бўлади. Фарҳод хавфни енгишдан олдин "исми аъзам"ни такрор-такрор айтади.

Ўқурда исми аъзам тутма ором,
Ўқумай исм, қўйма йўлда бир гом.

Демак, Хизр муриди Фарҳодни икки хавфдан, яъни шер ва темир пайкардан қутултиради. Сўфилар наздида, шер-ғазаб, ғазабкорлик рамзи. Ҳақ йўлидаги муридга ғазаб эмас, сокинлик зарур. Шер оғзига у Аҳриман девдан олган Сулаймон узуги билан уради. Сулаймон узуги ҳам ҳокимият тимсоли. Темир ўпчин, пайкар—рўё, ёлғон, ёлғончилик рамзи. Тасаввуфда дунёнинг ўзи фоний, ўткинчи, ундаги ҳамма нарса ёлғон ҳисобланади. Шундан келиб чиқсак, Хизр Фарҳодни иккинчи манзилдан олиб ўтиб, илоҳдан чалғитадиган нарсалардан халос қилади. Поқдомон соликка айланган Фарҳод Жоми Жамшид—ойинаи гетинамони қўлга киритади. Энди у пири комил—Суқрот олдига бориб, ишқи ҳақиқий таҳсилини олса бас, асл мақсадга эришади—Ҳаққа восил бўлади.

Нодирбек ҒАФФОРОВ,
ЎзФА Адабиёт институтининг кичик илмий ходими

МУҲИМ ҚЎЛЛАНМА

Иқтидорли қаламкашлар К.Нуржонов ва Ҳ.Раҳмоновларнинг саъй-ҳаракатлари билан юртбошимиз И.Каримовнинг Хоразм ҳақида айтган дурдона фикрлари жамланган "Хоразм—муқаддас замин" тўплами чоп этилди. Унда муҳтарам Президентимизнинг Хоразмга ташрифи ва қатор анжуманларда қилган маърузалари матнлари, Хиванинг 2500 йиллиги, Хоразм Маъмун академиясини қайта ташкил этиш, Жалолиддин Мангуберди, Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли Огаҳий таваллудларини нишонлаш ҳақидаги қарорлар жой олган.

Урганч қурилиш касб-ҳунар коллежида ана шу муҳим тўплам ҳамда коллеж раҳбари, меъморчилик фанлари номзоди, Ўзбекистон Олий мажлиси депутати И.Бойжоновнинг педагогик йўналишдаги "Мустақиллик меъморлари", "Янгиланиш йўлидан" китобларининг тақдимоти бўлиб ўтди. Унда вилоят "Олтин мерос" жамғармаси, вилоят малака ошириш институтидан вакиллар, коллеж ўқитувчилари ва талабалари иштирок этиб, ушбу асарлар юзасидан ўз-фикр мулоҳазаларини билдиришди ва уларнинг барча касб эгалари, учун қадрли қўлланма бўлиб қолишини алоҳида таъкидладилар.

Отаназар ЮСУПОВ

ДАВР ТАЛАБИ

Инсоният яралибдики, унинг тафаккури тадрижан тараққий этиб келмоқда. Бунда илм ва фаннинг ўрни беқиёс. Ҳозирги кунда ҳар бир фан соҳасида жамиятимизнинг ижтимоий-маданий эҳтиёжларига жавоб бера оладиган фаол ва самарали йўриқларини ишлаб чиқариш ва ҳаётга татбиқ этиш зарурати пайдо бўлди. Бундан 3 йил аввал, 1997 йилда таълим соҳасида ислоҳотлар тубдан янги бир йўналишда бошланган эди. Олий таълим "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"дан келиб чиққан ҳолда янгича, яъни икки босқичдан — бакалавриатура ва магистратурадан иборат бўлди. Магистрликка даъвогар талабалар фан ва техника мутахассисликлари малакасининг касбий тавсифи, ихтисослашган тизими ва унинг ўзига хос тамойиллари асосида таҳсил оладилар. Бирор соҳанинг етук кадри бўлиш учун мутахассислик илмининг ўзи кифоя қилмайди. Ижтимоий, иқтисодий, сиёсий билимлар магистратурада таҳсил олаётган ўқувчининг маънавий қиёфасини мукаммалаштиради. Техника асослари, бозор муносабатлари ва ундаги рақобат, ҳуқуқшунослик, мутахассислик асосларини билиш, жаҳон илмий янгиликларини кузатиш касб маҳоратини пухта эгаллашга ёрдам беради. Шунда магистрнинг барча илмий хулосалари, назарий билимлари амалиёт билан боғланади. Давр талаби асосида ишлаб чиқаришнинг ривожига ҳисса қўшади.

Мен Тошкент Давлат кимё-технология институтининг магистрантиман. Келажакда ўз олдимга қўйган қатъий мақсадим ва вазифаларим бор: шаробларни замонавий технологиялар бўйича ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, уларнинг янги турларини кашф этиш ҳамда жаҳон андозаларига ва талабларига мос келадиган маҳсулотлар экспорти билан шуғулланиш. Бунинг учун шаробчилик технологияси бўйича олган билимларим асосида бошлаган илмий ишимни давом эттиряпман.

Моҳира ЖАЛИЛОВА

КАМАЛАККА ЎХШАР БОЛАЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шу тариқа мен катталарча муомалани эсдан чиқариб болага "айланаман", орадаги "хитой девори" бузилганидан мактабга келаётганимда болаларнинг шовқин-суронидан безиб қолмасмикинман, деб ўйлаган хаёлимнинг беъмани эканлигига тушуниб етдим.

ҲАР КУНИ

Болалар эрталаб синфга киргач, иссиқ кийимларини ечиб, шкафга илиб қўйишади, кетаётганда кийиб кетишади. Шу жараённи астойдил кузатдим.

Илаётган вақтда кимдир палапартиш, кимдир жуда тартибли қилади бу ишни. Синфнинг энг кичиналари — Шоҳиста билан Чаросннинг илгичга бўйи етмайди. Хуноби чиққанидан кийимларини бошқаларникининг орасига тиқиб-тиқиб қўяди. Кетишда эса тўс-тўполон билан ўз нарсаларини топиб олишади. Кийинишда айримлар жуда чаққон. Ҳар гал Азизжон, Шоҳиста, Зоҳид, Мухлисалар энг охири кийиниб бўлишади.

Синфда 30 нафар ўқувчи бўлиб, уларнинг 7 нафари оиладан—ота-она тарбиясидан, қолганлари эса боғчадан келган болалар бўлиб, юқоридаги "секин кийинувчи"лар уйдан келганлар сафига киради. Шу каби кўп ҳолларда — китоб, дафтарларни тартиблашда ҳам, дафтардаги шаклларни бўяшда ҳам сездим—боғчага борган болалар мустақилроқ ҳамда эпчилроқ экан.

27 сентябрь

Илтимосим билан ўқитувчи уйдан келган болаларни бошқа ўқувчиларнинг диққатини тортмасдан алоҳида қаторга ўтказиб қўйди. Бугун бу қатордаги биронта ўқувчи сариқ доирача (ҳайфсан белгиси) олмади, аксинча масхарабоздан 3 та "совға" олишди. Синфнинг энг одобли ва аълочи ўқувчилари шу йўл билан рағбатлантирилади. Аралаш ҳолда ўтиришганда бу каби "совға"ларни аксарият шўҳроқ болалар илиб кетишарди. Улар топшириқларни бажариб бўлиб, ёнидаги ўртоғига ҳам гапиравермади. Ҳатто бошқалар каби дафтарини кўтариб ўқитувчининг олдига ҳам югуришмади. Ён қаторларда ўтирган ўқувчилар айни пайтда-устоз, дафтаримни текширинг, устоз баҳо қўйинг—деб ўқитувчини ҳоли жонига қўйишмасди. "Махсус қатор"да ўтирган болаларнинг бир оз индамаслиги уларнинг уятчанлигидан далолат берарди холос.

4 октябрь. "Ёнғоқ баҳона араз"

Шоҳиста анча шаддод қиз. Айтган нарсасини қилади. Икки чўнтагини тўлдириб ёнғоқ солиб келади-да, ҳаммага улашиб чиқади. Мен ҳам бундан бебаҳра қолмайман. Синфнинг энг ақлли ўқувчиси Элёрга (уйдан келган) бу ёқмайди.

—Ёнғоғингни уйингда есанг бўлмайдими, ҳамма жойни пўчоқ қилдинг. Устозга айтиб бераман.

—Сенга нима, чақимчи. Шоҳиста тан олгиси келмайди. Дарсни бузгани учун Гулнора опа Элёрга сариқ доирача "ҳадя" қилди. Ич-ичидан эзилди шекилли, уйга вазифани ҳам яхши ўқиб бера олмади. Бугун дарсдан сўнг қолувчилар орасида Элёр ҳам бор эди....

Кетадиганлар кетиб бўлгач, ўқитувчи:

—Элёрбек, ўқишни сиздан бошлаймиз, —деган ҳам эдики, у ҳўнграб йиғлаб юборди. Оиланинг бош фарзанди, анча-мунча эрка бўлиб ўсган, онаси боғчага олиб борганда ҳам қочиб келиб, бормай қўйган, табиатан оғирроқ бу бола ўртоқлари олдида биринчи марта дарсдан кейин қолгани учунми йиғлади. Ўқитувчининг ҳам таъби хира тортиб,

—Элёрбек, мен сени хафа қилиб қўйишим хаёлимда ҳам йўқ эди. Қайтанга дарсдан кейин қолиб ўқисанг ўзингга фойда бўлади-ку —дея мулозамат кўрсатди.

Элёр:

—Мен сиздан хафамасман —дея чиқиб кетди.

Эртаси куни ҳам Элёр билан Шоҳиста бир оз аразлашиб юришди...

12 октябрь

Ҳар гал қўнғироқдан эртароқ келиб, ўқувчиларнинг мактабга келишини кузатарканман, ҳар хил манзараларнинг гувоҳи бўламан. Одатда синфнинг аълочи ўқувчилари бошқаларга қараганда вақтлироқ келиб олади. Афсуски, ҳали ҳам мактабга кўникиб кетмаган, мажбуран келадиган ўқувчилар ҳам йўқ эмас. Азизжон ҳам бошида унча илғор эмас эди. Бугун у математика дарсидан сўнг:

—Устоз, менга жавоб беринг —деб қолди.

—Нимага?

—Бувим грипп эди, уйга нон олиб боришим керак.

Ёрдамлашиш баҳона, у билан эргашиб уйига бордим.

Азизжон:

—Опам мени кўчадан ўтказиб қўйди, нонни ҳам иккаламиз олдик, — дея мени таништирган бўлди. Фарида бувига Азизжоннинг синфида кузатув олиб бораётганлигимни айтдим. Шунда у киши неварасини суриштира кетди. Азизжоннинг бироз бўшроқлигини айтганимда:

—Энди у билан ўзим шуғулланаман, ота-онаси кун бўйи ишда бўлади, дея мени кузатиб қолди.

Шундан сўнг меҳрибон буви мактабда тез-тез кўринадиган, неварасини сўраб-суриштирадиган бўлди. Бу нарса албатта ўз таъсирини кўрсата бошлади. Айниқса унинг ёзуви ўзгарди. Олдин биронта мустақил гап ёза олмайдиган Азизжон энди ёзувда ҳаммадан олдинга чиқиб олди. Бувисининг айтишича, унга ҳар куни уйда диктант ёздираётган экан. Ҳозир у синфда энг чиройли ёзадиган Даврон, Элёр, Нафосат, Ҳикоятларга тенглашиб олди. Сўзларни бўғинлаб ўқишда ҳам қийналмаяпти. Яна у болаларга қўшилмай турадиган одатини ҳам ташлади.

Ҳар куни қаратилаётган озгина эътибор шундай ўзгаришга сабаб бўлди.

26 октябрь

Расм дарсида куз барглари йиғиб, шу асосда уларни бўяш учун мактаб атрофидаги дарахтларни томоша қилдиришга ўқувчиларни олиб чиқдик. Болалар йўлдан ўтаётганда бир-бирининг қўлларидан ушлаб, қаторини бузмай юришди. Боғчага борган болаларда бу малака жуда яхши шаклланган. Гулнора опа мавзу бўйича тушунчалар бераётган эди, бошланғич синфлар бўйича директор муовини Комила опа Пўлатова болаларнинг саломига алик олиб, 171- ҳамда 330-боғчаларга бораётганлигини айтди. Ўзларининг рухсати билан у кишига ҳамроҳ бўлдим. Комила опа боғча мудирасига ўзларидан борган болаларнинг ҳар қайсиси тўғрисида ёзилган ҳисобот ҳамда ёзув ва математикадан бажарган ишларини топширди. У ердан қайтаётганимизда Комила опа икки йилдан бери мактаб билан бу иккала боғча ўртасида шундай ҳамкорлик ўрнатилганлигини, тарбиячиларга мактаб услубиятчилари томонидан мактабга тайёр болага яна нималар кераклиги борасида маслаҳатлар берилаётганлигини гапириб берди. Хайрлашиш олдидан ҳар ҳолда бу ҳаракатимиз ёмон натижа бермаяпти, дея қўшиб ҳам қўйди.

30 октябрь

Биринчи партада ўтирадиган нимжонгина бола—Абдурауфни мактабга қабул қилишда ташхисдан шартли равишда ўтказишган. Ёшига нисбатан ривожланиши сустроқ бу болага ўқитувчиси дарсдан кейин қўшимча дарс ўтади, дарс пайти ҳам унга алоҳида тушунтиради.

Иккинчи соат дарсдан кейин болалар ул-бул ейишга тушиб кетади. Дарс бошланганда ҳам парта тагидан пиширикларни яшириб ейишлар бўлади. Қўнғироқдан сўнг, Гулнора опа фақат Абдурауфга онаси бериб юборган нарсаларни еб олишга рухсат берди-да, бошқаларга:

—Нарсаларингизни йиғиштиринг —деди. Шунда синфнинг энг шўх боласи Бобуржон:

—Устоз, нимага ҳар доим Абдурауфга рухсат берасиз? —деб гап қотди. Ўзимча шунда бу болакайлар секин-секин мактаб тартиб-қоидаларини ҳис қилиб бораётганлигига, барча бирдек тааллуқли эканлигини ўзларича кашф қила бошлаганига амин бўлдим.

1 НОЯБРЬ ХАЙРЛАШУВ

Одатий ҳол: ўқувчилар ўқитувчининг "Кун-тун", "Мен ёзаман" ва шу каби ҳаракатли ўйинларни ўйнатишини орзиқиб кутишади. Ҳатто, ўзлари ўйин вақтларини ҳам билиб қолишган. Шундай пайтлар болалик-подшолик эканлигига иймон келтираман. Танаффусда болаларга охирги кун келишим эканлигини айтганимда улар мени саволларга кўмиб ташлашди.

Камалакнинг рангини шартли равишда еттита деймиз. Бироқ, улар чексиз ранг-барангдир. Болаларнинг ҳам ҳар қайсиси бир-бирига сира ўхшамаган, турфа хилдир. Маълум бўлдики, уларнинг бирига оиладан назорат катта таъсир ўтказса, бири ўқитувчи ёрдамига мойилроқ, яна айримлари эса боғчаданоқ ўзлари мустақил бўлишга интилишади. Нима бўлганда ҳам бола оилада тарбия кўрадими, боғчага борадими, нонуштадан сўнг муҳим бўлган мактабга тайёрланиб келиши келгуси фаолиятда ўз аксини кўрсатар экан. Зеро, ўсимликнинг яхши ўсиши учун қуёш, сув ва ҳаво қанчалик зарур бўлса, боланинг ўсиб-униши учун ота-она, ўқитувчи, боғча ва жамоатчиликнинг биргаликдаги ғамхўрлиги шунчалик зарур бўлади ёхуд болалар шундай қушга ўхшарканки, унинг бир қаноти ота-онаси, иккинчиси олдин боғча, кейин мактаб бўларкан. Бу қанотлар бир-бирига мос ҳаракатлар билан болани катта ҳаётга йўллайди. Шундай ўй-хаёллар оғушида болалар билан хайрлашаман. Ортимдан ўзим ўрганиб қолган ўғилқизларнинг қийқириқлари жаранглаб қолди.

Насиба ЭРХОНОВА,
"Маърифат"нинг жамоатчи мухбири

ЯНГИ АСРДА Таълим.. Тараққиети

Тараққиёт — таълим билан. Таълим — тараққиёт билан. Бунинг аҳамиятини янги аср, янги мингйилликда қай даражада тасаввур қилаётирмиз? Халқ таълими вазирлигининг "Таълим тараққиёти" ахборотнома-журналига 2001 йил учун олиб борилаётган обуна ишлари ойнаси бунга озми-кўпми жавоб бўлади. Унда акс этишича, Наманган (859), Жиззах (934), Бухоро (968) ва Самарқанд (1431) вилояти халқ таълими ходимлари янги йил учун журналга сезиларли миқдорда ёзилганлар. Хоразм (417), Сирдарё (191) ва Навоий (175) вилояти таълим фидойилари эса 10 декабргача бўлган маълумотда жадвалнинг энг қуйи ўринларини банд этишган. Биз уларга ҳали ҳам кеч эмаслигини, обуна 25 декабргача давом этишини, янги асрни таълим тараққиёти учун "Таълим тараққиёти" билан кутиб олишлари зарурлигини яна бир карра эслатмоқчимиз, холос.

БУХОРО ТАЖРИБАСИ ЎРГАНИЛДИ

Мамлакатимизда фаолият кўрсата бошлаган замонавий академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари бугунги кунда таълим даражаси қандай? Шакл ўзгаришлари мазмун янгиланиши билан мутаносиб кечаяптими? Ўрганса арзигулик, жойларда кенг татбиқ этиш мумкин бўлган қандай ўзгаришлар юз бермоқда? Ечимини кутаётган муаммо, йўл қўйилаётган камчилик ва нуқсонлар борми? Ана шу масалаларга тўла аниқлик киритиш мақсадида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими Маркази ташаббуси билан тажриба ўрганиш гуруҳлари тузилди. Гуруҳ ўн кун мобайнида бошқа ҳудудлардаги ҳамкасбларининг ишлари билан атрофлича танишиб чиқдилар. Ўзаро текшириш якунлари Марказ раҳбарияти томонидан чуқур таҳлил этилди. Шу тариқа тизимда юз бераётган ҳақиқий аҳвол хусусида аниқ ва асосли хулосаларга келинди. Олдинда турган муҳим вазифалар, эътибор янада кучайтирилиши лозим бўлган жиҳатлар кўзга ташланди.

Марказ бошқарув кенгашининг Бухоро шаҳридаги қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежида бўлиб ўтган сайёр йиғилиши, асосан, ана шу масалалар муҳокамасига бағишланди. Йиғилишни очган Марказ раҳбари Ж.Ҳусанов юқоридаги фикрларни алоҳида эътироф этди. Шундан сўнг бўлиб ўтган маъруза ва музокаралар ҳам асосий диққат-эътибор тизим ўқув муассасаларида кечаётган ислоҳотлар жараёнига қаратилди.

Tadbir

— Бухоро вилояти таълим муассасаларида кўпгина ибратли ишлар амалга оширилган, — деди мазкур тадбирда "1998-2000 йилларда ташкил этилган академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида моддий-техник базани яратиш, ўқув-тарбия жараёнининг бугунги ҳолати ҳақида" маъруза қилган Марказ раҳбарининг биринчи ўринбосари Ҳ.Маъсудов. — Мен бу ўринда уларнинг замонавий компьютерлар, бошқа техник воситалар, дарслик ва қўлланмалар билан таъминланиши, тизимда дарслик ва қўлланмалар тақчиллиги муаммоларини ҳал этишда электрон кутубхона ва почта имкониятларидан самарали фойдаланилаётганлигини назарда тутаяпман. Бунга икки кун мобайнида вилоятдаги қатор таълим муассасаларида бўлган сайёр йиғилиш қатнашчилари ҳам тўла ишонч ҳосил қилдилар. Асосий эътибор Бухоро тажрибасидан фойдаланган ҳолда бошқа вилоят ва шаҳарлардаги академик лицей, касб-ҳунар коллежлари фаолиятидаги камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирларини кўришга қаратилди.

Шунингдек, сайёр йиғилишда Марказ тасарруфидаги илм ва касб-ҳунар даргоҳлари кутубхоналарини дарслик, ўқув адабиётлари билан таъминлаш, таълим-тарбия жараёни, маънавий-маърифий ва спорт -соғломлаштириш ишларини такомиллаштириш масалалари ҳам атрофлича кўриб чиқилди.

Жаҳонгир ИСМОИЛОВ,
"Маърифат" мухбири

Сурхондарё вилояти Сариосиё туманидаги ўқувчилар техник ижодиёти маркази ўз бағрига олган ўқувчиларига техниканинг сир асрорлари билан биргаликда, яратиш ва ижод қилиш сеҳрини ҳам ўргатади. Ушбу масканда доимо келажакда катта ва фойдали ихтиролар қилиш истагида бўлган болаларни учратиш мумкин.

Суратда: марказ раҳбари С.Бойназаров 2-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Темур Зиёддинов тайёрлаган ҳаракатли моделларни кўздан кечирмоқда.

Р.АЛЬБЕКОВ олган сурат

ДАРСЛАРИМ ЖОЗИБАЛИ ЎТСИН ДЕСАНГИЗ...

Jurnallarning yangi sonida

Албатта, "Тил ва адабиёт таълими" журналининг 5-сонини қўлга олинг. "Муаммолар... Вазифалар... Ечимлар" рукнидаги "ЎЎТ муассаса (мактаб)ларида ўқувчилар билимини назорат қилишнинг рейтинг тизими тўғрисида муваққат низом" билан танишсангиз ЖН, ОН, ЯН бўйича қўйиладиган дастлабки баллар, чораклик ва йиллик балл, Рейтинг якуни қандай аниқланишини билиб оласиз.

Янги дастурда белгиланишича, 6-синфда Одил Ёқубовнинг "Музқаймоқ" ҳикоясини илк маротаба ўтасиз. Бу дарсликнинг муваффақиятли чиқишида сизга Қундузхон Ҳусанбоеванинг шу ҳикоя асосида ўқувчиларни мустақил фикрлашга йўналтириш ҳақидаги тавсиялари ёрдам беради. Сиз "Менимча, ҳикоянинг бундай номланиши нотўғри" деб болаларни безовта қиладиган, фикр айтишга ундайдиган луқма ташлангки, ўқувчилар ҳикоянинг номи "Музқаймоқ"дан бошқача бўлиши мумкин эмаслигини исботлаб берсинлар.

Филология фанлари номзоди, шоира Кавсар Турдиеванинг "Ижод сабоқлари" мақоласида Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг "Падаркуш" асарини ўрганишнинг янгича усули баён этилган. Ўқувчилар дарсда театр режиссёрлари бўлиб, асарни ва асар ҳақидаги қўшимча адабиётларни ҳам ўқиб, "Падаркуш"нинг қайта ишланган сюжетини ёзганлар, асарнинг номини "Фарзанд қотили" деб ўзгартирганлар, драмадан муаллифларнинг айрим гапларини ўзлари учун шиор қилиб олганлар.

ЎзМУ аспиранти Наргиза Тўланова "90-йиллар поэзиясида тарду акс санъати" мақоласида Шавкат Раҳмон, Аъзам Ўктам, Иқбол Мирзо ижодидаги тескари қилиб такрорлаш намуналарини изоҳлаб, уларнинг табиғ ва тасдир санъатларидан фойдаланганларини мисоллар билан кўрсатиб ўтган.

"Эҳ-эҳе, қанча йўллар юрдим. Қанча хўрликлар кўрдим. Аммо она юрт соғинчи бир дам бўлсин, мени тарк этмади. Олис юртларда илинж билан, умид билан меҳригиёси тинимсиз ўзига тортиб турган Ўзбекистонимга қараб талпиндим". Юракни титратгувчи ушбу жумлалар "Миллий ифтихор туйғуси куйчиси" мақоласидан олинди.

Дилноза Рўзиева ва Шоира Аҳмедоваларнинг Саид Аҳмад таваллудининг 80 йиллигига бағишланган кеча сценарийси китобхонларнинг Саид Аҳмад ва унинг «Йўқотганларим ва топганларим» асари ҳақидаги фикрларига асосланган бўлиб, сиз ундан фойдаланишингиз, янги маълумотлар билан танишишингиз мумкин.

Шунингдек, журналда эълон қилинган Барно Жумановнинг "Қизларни мустақил ҳаётга тайёрлашда достонларнинг роли ҳақида", Бахтиёр Менглиев, Шоҳида Шаҳобиддиноваларнинг тилшунослик рукнидаги мақолалари ҳам диққатга сазовордир.

ЎзМУ доценти Толиб Эрназаровнинг "Она тили дарсликларида этимологик таҳлил" мақоласидаги таҳлил намуналари ўқитувчи ва ўқувчилар учун қизиқарлидир. Шунингдек, журналнинг доимий рукнлари остида яна бир қатор қизиқарли, фойдали мақолалар берилган.

Маҳмуда ВАЛИЕВА

Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Г.Айимбетова, мана шундай улуғ айём кунларида Президентимиз томонидан юксак мукофотга сазовор бўлганлигидан бахтиёр эканлиги ҳамда доимо халқ хизматига тайёр бўлишини таъкидлади.

Олимжон кўп бора шу саволга дуч келганида "яхшиси болалар уйида, ота-онамнинг кимлигини ҳам билмай ўссам яхши бўларди" деб ўйларди.

ТОМИРИ БИР ХАЛҚНИНГ МАДАНИЯТ БАЙРАМИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шунингдек, байрам иштирокчиларини Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳамидулла Кароматов самимий табриклади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Аҳмаджон Мелибоев байрамда ҳукуматимиз томонидан тақдирланганларга Давлат мукофотларини топширдилар. Мукофотланганлар номидан Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Г.Айимбетова, мана шундай улуғ айём кунларида Президентимиз томонидан юксак мукофотга сазовор бўлганлигидан бахтиёр эканлиги ҳамда доимо халқ хизматига тайёр бўлишини таъкидлади. Қорақалпоқ шоири ва журналисти Мансур Аҳмедов анжуман иштирокчиларининг мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов номига қабул қилган мурожаатномасини ўқиб эшиттирди. Тантанали маросим сўнгги Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон санъаткорларининг катта байрам концерти дастурига уланди.

Нурлан УСМОНОВ,
"Маърифат" мухбири

ҲАР БИРИ БИР АЛП

Элнинг полвон ўғлонларидан бири — Шуманай туманида туғилиб, воягa етган, "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган транспорт ходими", "Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган маданият ходими" унвонлари ва "Шуҳрат" нишони соҳиби, Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси депутати, эркин кураш бўйича спорт устаси Сатыбалды Мылтыкбаевдир. У билан қизиққанлар, ўртамизда бўлиб ўтган суҳбатга қулоқ тутса:

— Ёшлигимда спортнинг эркин кураш, самбо, дзюдо турлари билан мунтазам шуғулланиб, 15 ёшимда Қорақалпоғистонда биринчи бўлиб, 1952 йилда Ўзбекистон чемпиони бўлганман. Шу уч тур бўйича 57 дан 90 кг.гача бўлган вазнда курашиб спорт устаси бўлганман. 1952-57 йилларда бўлиб ўтган республика мусобақаларида Қорақалпоғистон курашчилари кўпинча етакчи ўринларни эгаллашар эди. Шу йиллари Қозоғистонда бўлиб ўтган Ўрта Осиё чемпионатида биринчи ўринни эгаллаганман. 1975 йилги Душанбе чемпионатидан сўнг ўзим курашган турлар бўйича мураббийлик қила бошладим.

—Устозларингиз ҳақида ҳам гапириб ўтсангиз.

—Курашиб, муваффақиятларга эришишимда тоғам — Тўрамурод Султонов, Элмурод Мавлонов, Ғани Есбергенов, Константин Цойларнинг хизматлари катта. Полвонлик асли халқимизнинг қонида бор. Бугун лоф бўлиб туюлиши мумкин, тоғам кураш тушиш учун атайлаб йўлбарс ушлаган.

—Бугунги кураш, полвонларимиз ҳақидаги фикрларингиз.

—Июлда Анталияда бўлиб ўтган ўзбек кураши бўйича жаҳон чемпионатига Қорақалпоғистондан 12 киши ишқибоз сифатида бориб, томоша қилиб қайтдик. Турнир очилиши ва ёпилиши тантаналарида карнай-сурнайлар чалиниб, ўзбекона руҳ ҳукмронлик қилди. Бир ҳафта давом этган беллашувларда Махтумқули Маҳмудов, Баҳром Авазов каби полвонларимиз гиламга чиқиб, ғолибликни қўлга киритдилар. Барчиной авлодлари — ўзбекистонлик қизлар ҳам беллашувларда иштирок этдилар. Туркия ва туркманистонлик курашчилар ҳам юқори натижа кўрсатдилар. Хуллас, дунёда ўзбек курашига қизиқиш катта. Мусобақаларни кузатиб, ўзим курашиб юрган пайтларни эсладим. Биз курашиб, ғолибликни қўлга киритсак, вимпель, значок, унвонлар берилар эди. Ҳозирги спортчиларга, уларга яратилаётган шароит, эътиборга ҳавасингиз келади. Ғолиб бўлганларга рағбат ўрнида минглаб долларлар, автомашиналар берилмоқда. Буларни қадрлаш керак...

P.S. Сатыбалды оғанинг ҳавас қилишида жон бор. Негаки, давлатимизда ёшларга, спортнинг кўплаб турларига эътибор берилиб, йирик совринли мусобақалар уюштирилмоқда. Ёшларимиз спортнинг бокс, кураш, каратэ турлари бўйича кўплаб халқаро мусобақалардан ғолиб сифатида қайтиб келишмоқда. Энди гап шу мисқоллаб йиғилаётган обрўни ошириш, уни баъзи ишончни оқлай олмаган спортчиларимизга ўхшаб ботмонлаб тўкмасликда. Буларни амалга оширишга, Ўзбекистон нуфузини жаҳонга ёйишга ёшларимиз, спортчиларимизнинг имкониятлари етарли.

Воҳид БОЙМУРОДОВ

УНУТИЛМАС МЕҲР КОШОНАСИ

Пойтахтимизнинг Юнус Ражабий кўчасида серҳашамат бир бино бор. Бу уйда адиб Абдулла Қаҳҳор ижод қилган. Ҳозирда бу уй музейга айлантирилган. А.Қаҳҳор уй-музейи бундан 13 йил аввал, яъни 1987 йил 6 майда ташкил этилган бўлиб, дастлабки йилларда фақат 2 та меъмориал хона, яъни адиб ижодхонаси ва меҳмонхонасигина тайёр ҳолда эди. 1992 йилга келиб уй-музей узил-кесил тайёр ҳолга келтирилди. Аввалги иккита мемориал хоналар қаторига тўртта адабий рисолавий кўргазмалар хонаси барпо этилди. Музейнинг бундай жозибадор ҳолга келишида, умуман унинг ташкил этилишида ёзувчи рафиқаси Кибриёхоним Қаҳҳорованинг салмоқли хизматлари бор. Музей ўзининг биринчи зиёратчиларини 1992 йил 17 сентябрда А.Қаҳҳорнинг 85 йиллигини нишонлаш кунидан бошлаб қабул қилди.

Шуни таъкидлаш ўринлики, Кибриёхоним адибнинг рафиқаси бўлиб қолмай, моҳир таржимон, форс-классик адабиёти билимдони, матншунос эдилар. Кибриёхоним Абдулла Қаҳҳор асарларини тожик тилига, рус классиклари асарларини ўзбек тилига ўгирган. Ҳозирда бу каби ноёб дурдоналар уй-музей меросининг таржима бўлимидан жой олган. Улар ўн икки қисмдан иборат бўлиб, асосийси А.Қаҳҳор кутубхонаси ҳисобланади. Шунингдек, адиб қўлёзмалари, шахсий буюмлар, фотосуратлар, табрик хатлари, адибга дўстлари томонидан тақдим этилган ёдгорлик буюмлари ҳам музейда сақланмоқда. Айни пайтда музейдан хорижлик меҳмонларнинг ҳам оёғи узилмайди. Улар орасида Туркия, Япония, Корея, Ҳиндистон, Америкадан келган меҳмон кўпчиликни ташкил этади. Қувонарли томони шундаки, адабиётчи меҳмонлардан А.Қаҳҳорнинг "Бемор", "Ўғри" ҳикояларини ўқиган америкалик ёшлар талайгина экан. Айни пайтда музейда таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Музей ходимлари адибнинг 95 йиллигини нишонлашга катта тайёргарлик кўрмоқдалар. Ҳозир илмий ходимлар-рассомлар, мутахассислар билан биргаликда илмий экспозиция режасини ишлаб чиқиш ишлари деярли ниҳоясига етказмоқдалар.

Дилноза БЕГИМ,
ЎзМУ магистранти

ШОИРНИ ХОТИРЛАБ

Ҳамид Олимжон деганимизда, кўз олдимизга бахт ва шодлик куйчиси, ҳамиша навқирон, оташнафас шоир келади. У ҳаёт бўлганида 91 ёшга кирган бўлар эди. Шу муносабат билан 2-Тошкент Давлат тиббиёт институтининг талабалар уйида бадиийлаштирилган хотира кечаси бўлиб ўтди. Институтнинг "Ўзбек тили, педагогика ва психология" кафедраси жамоаси ташаббуси билан ташкил қилинган кечада ўқитувчи ва талабалар қатнашдилар.

Тадбирга таклиф қилинган Ҳамид Олимжоннинг қизи, адабиётшунос олима Ҳулкар Олимжонова отаси ҳақидаги хотиралардан сўзлаб берди.

Даволаш факультети талабаси З.Абдураҳмонованинг Ҳ.Олимжонга атаб ёзган шеъри, тиббий педагогика факультети талабаси А.Ростальная чизган шоирнинг портрети кўпчиликнинг олқишига сазовор бўлди.

Тиббий педагогика ва даволаш факультетларининг талабалари М.Музаффарова, Ш.Пўлатова, А.Абдуллаев, А.Исроилов ва бошқа талабалар томонидан моҳирона ижро этилган шеър ва қўшиқлар кеча қатнашчиларини хушнуд этди.

Марҳамат ҲОДИЕВА,
институт ўқитувчиси

Xullas...

СЕҲРГАР МУЗ ПАЛАХСАСИДА

Америкалик сеҳргар Дэвид Блейн ўз устози Дэвид Копперфильдни ҳам доғда қолдирди. Мияси ақл-заковат билан тўлиб-тошган бу сеҳргарлар одамларни ҳайратда қолдириш учун нималарни ўйлаб топишмайди?

Блейннинг бу сафарги фокуси учун улкан муз парчаси керак бўлди. Нью-Йорк шаҳрининг 44-кўчасига қўйилган муз палахсаси атрофида йиғилган оломоннинг кўплигидан, табиийки, Дэвид илҳом олди.

27 ёшли сеҳргар 61 соатлик муз ичидаги "саёҳат"дан соғ-омон чиқди. Уни муз ичидан олиб чиқиш учун босқон ҳам лозим бўлмади. Дэвиднинг техник ходими у сигадиган даражада тешик тайёрлаб қўйган эди.

Экспертлар таъкидлашмоқдаки, Дэвиднинг бош қисмини босиб турган муз парчаси оғирлиги 1 тоннадан кам эмас.

ҒАЗАБЛАНГАН АКТЁР

Даниэл Олбрихский— польшалик актёр. Варшава шаҳар прокуратураси уни "Захэнита" галереясини талон-тарож қилишда айбламоқда. У Нью-Йорклик суратқаш, поляк Петр Украинскийнинг "Фашистлар" деб аталган туркум портретларидан иборат кўргазмасига қилич билан ҳужум қилган. Чунки унда таниқли актёрнинг фашист мундирини кийиб роль ўйнаган 164 та суратлари ҳам бор эди. Экспозициянинг номланиши ҳам, мазмуни ҳам Даниэлни ғазаб-нафрат исканжасига олганлиги аниқ. Бундан ортиқ ҳақоратни у ҳозирга қадар кўрмаган эди-да.

Олбрихский "Фашистлар" билан намойишкорона чиқиб кетаётган пайтда қўлга олинди. Агар "иш" судга ошириладиган бўлса, кино юлдузи 5 йил озодликдан маҳрум этилади ёки жарима тўлашга мажбур.

ТИНИМ БИЛМАС ЯПОНЛАР

Японлардай қилни қирқ ёрувчи халқ йўқ. Улар ҳаттоки, чанг зарраларини ҳам беҳудага кетказмай, мато ишлаб чиқарган дейишади.

Вақтни японлар жуда оқилона тақсимлашган, дам олиш кунлари ҳам ишлашади. 18 иш кунидан иборат меҳнат таътили ичида улар 9 кунини ишлаб ўтказмаса, кунгиллари жойига тушмайди. Сабаби, жамоаси ишлаб турганда, уларнинг бекор юришга виждонлари йўл қўймайди.

Меҳнатга нисбатан бундай талабчанлик аксарият компанияларда иш унумдорлигини оширмоқда. Чекланмаган ва жадаллашган иш жараёни японларни қаттиқ руҳий зарбага ҳам олиб келаяпти. Ана шуни ҳисобга олган Япония ҳукумати ўз халқини дам олишга мажбур қилиш учун ҳафталик иш соатларини 45 соатдан 40 соатга қисқартирди.

ana shunaqa gaplar...

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети ректорати, жамоат ташкилотлари университет илмий бўлим бошлиғи Балич Абдулла Абдуқодировичга турмуш ўртоғининг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Давлат авиация институти раҳбарияти ва касаба уюшмаси жамоаси институт авиация тармоғи менежменти кафедраси мудири, профессор З.Ғуломовга онаси **Саодатхон аянинг** вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Sport maydonchasi

СПОРТЧИ МИЛЛИОНЕРЛАР

Катта теннисда биринчи ракетка даражасига эришган бразилиялик Густаво Куэртен мавсумда тўрт миллион доллардан зиёд маблағ тўплабди. Е.Кафельников эса жорий йилда 3 миллион 600 минг, «Тошкент қаҳрамони» М.Сафин 3,5 миллион доллар жамғаришга муваффақ бўлдилар.

ҲАР ЎЙИНДА 23,6 ОЧКО

Яқинда Америка МБА ташкилотчилари ўтган ойнинг энг яхши ўйинчисини аниқлаш учун сўров ўтказди. Унга кўра, "ЮТА" клуби ҳужумчиси Карл Мелоун ҳар ўйинда 23,6 очкодан (ўртача) тўплаб, кўпчилик олқишига сазовор бўлган. "Филадельфия" мураббийси Л.Браун "энг яхши мураббий" экан.

ВЛАДИМИР — ЖЕФЕРСОН

Ака-ука Кличколар рингда ўзларининг мустаҳкам ўринларини топиш ишқида. 2001 йил 27 январда Виталий рингга чиқади, рақиб ҳозирча ошкор этилмайди.

Владимир эса, WBO таснифи бўйича чемпионлигини март ойида таниқли боксчи Деррик Жеферсондан ҳимоя қилади.

"МИДЛСБРО"га МУРАББИЙ КЕЛДИ

Англия ўзининг янги асрдаги яшил майдонлар узра парвозларини қатъий режалаштирмоқда. Футбол бўйича терма жамоа мураббийлар штабидан Герри Венейблс "Мидлсбро"га бош мураббий этиб тайинланди. Уни жамоага собиқ менежер Брайн Робсон таклиф этган.

ЗАКОВАТ ЖАНГИ

Ҳиндистонда ўтаётган жаҳон биринчилигида ҳамюртимиз Р.Қосимжонов ҳам иштирок этаётган эди. У учинчи даврада франциялик шахматчи В.Ткачёв билан дона сурди, лекин омад ундан юз ўгирди. Бироқ эришилган натижа Рустамга 8 минг доллар мукофот пули келтирди.

Қамбар ОТА — Shoirlar — bolalarga!

БАХТГА ЙЎЛДОШ БОЛАЛАР

Чеҳрасидан нур сочган,
Юрагидан қўр сочган.
Одобидан дур сочган,
Оқил, соғлом болалар,
Гулдай кўркам болалар.

Қадри баланд-ганж бўлган,
Тенгсиз эҳтиёж бўлган.
Бошимизга тож бўлган,
Доно, асл болалар,
Тоза насл болалар.

Дўстларини жам қилган,
Кўнгилларни ром қилган.
Дилларни байрам қилган,
Қувноқ, хандон болалар,
Завқи жаҳон болалар.

Сиз билан кўркам замон.
Ҳаётда ошиб довон.
Доим бўлгайсиз омон.
Мисли қуёш болалар,
Бахтга йўлдош болалар.

БОЛА ВАТАНДАЙ АЗИЗ

Боласиз Ватан бўлмас.
Боладир юрт эртаси,
Суюклию эркаси,
Боласиз ҳаёт қулмас.

О азиз, бола азиз.
Бола Ватандай азиз.
Тандаги жондай азиз.
О азиз, бола азиз.

Болали уй—бир бозор,
Бағрида яшнар баҳор.
Боласиз уйдир озор-
Сукутда қалбни эзар.

Мамлакатим ўғлони,
Чаманим қиз боласи,
Эзгулик парвонаси,
Толеимиз посбони.

О азиз, бола азиз.
Бола Ватандай азиз.
Тандаги жондай азиз.
О азиз, бола азиз.

ХАЛҚИМ - БАХТИМ

Дил дегани нимадир,
Тил дегани нимадир?
Ватан дегани нима,
Чаман дегани нима?
Халқ дегани нимадир,
Ҳақ дегани нимадир?
Кимнинг эзгу дили йўқ-
Жонбахш ширин тили йўқ.
Кимнингки Ватани йўқ-
Ўтмиши-армони йўқ.
Келажак—ҳақ-нақди йўқ,
Халқи йўқнинг-бахти йўқ.

ЛАББАЙ ДЕЙМАН

Бобом-бувим, ота-онам
Бирон ишни буюрган дам,
Чин фарзандлик фаҳмим билан,
Юрагимда фахрим билан
Доим лаббай, лаббай дейман.
Ҳеч гуноҳга қолмай дейман.
Оёғимни олиб қўлга,
Югураман ўнгу сўлга.
Ўн мартами ё юз марта,
Инжилмасдан, қайта-қайта
Бажараман хизматларин,
Қилиб иззат-ҳурматларин.
Бобом-бувим, ота-онам,
Қувончлари бўлиб олам,
Дилларидан қилиб дуо,
Гул умримга тарар зиё.

ҚУВНОҚ ШАМОЛ, ШЎХ ШАМОЛ

Эсавергин қувноқ шамол, шўх шамол,
Фақат мендан кўнглинг бўлсин тўқ, шамол.
Бир дамгина гапларимни ук, шамол,
Иккимизнинг фарқимиз ҳеч йўқ, шамол.

Завқим тошиб, коптокни тез қувлайман,
Сен тинмасдан ён-веримда қувнайсан.
Капалакдай гул-боғларда ўйнайман,
Чаманларда менга қўшиқ куйлайсан.

Хордиқ истаб йўл олганда уйимга,
Меҳринг тараб, айланмасдан қуюнга,
Ювош тортиб, ором излаб қоласан,
Эй Шамолжон, сен ҳам мендай боласан.

ФАОЛ ЎТМОҚДА

"Olimpiada umidlari—2001"

Тошкент шаҳрининг Сергели тумани мактабларида, хусусан 300-лицей-мактаб ва 284- ва 301-ўрта мактабларда "Олимпиада умидлари—2001" ўқувчи-ёшлар спорт мусобақалари кўтаринки руҳда, жуда фаол ўтмоқда. Энг муҳими, ушбу мусобақаларга ота-оналар ҳам катта қизиқиш билан қарамоқдалар. Айниқса, мусобақаларга ҳомийлар эътиборини тортиш, ғолибларга совринлар уюштириш борасида ФМДП туман кенгаши биринчи котиби Шавкат Ибрагимов бевосита жонбозлик кўрсатмоқда.

Илк босқичдаёқ сезилган уюшқоқлик кейинги босқичларда мактаб шаънини ҳимоя қилишда қўл келиши, шубҳасиз.

И.БЎРИБОЕВ

ОҒИР САВОЛ

Олам қоронғулик тўнини ечмоқда. Осмон оқариб ёришган сари кўкда чақнаган ғужғон юлдузлар тўдаси битта-битта сўнмоқда. Мана, бобо қуёш тоғлар ортида секин бошини кўтарганда, осмоннинг қайсидир чеккасида қолиб кетган сўнгги юлдуз ҳам гўё қуёш ҳароратига дош беролмай изсиз йўқолди. Дарахтлар шохида шўх чуғурлаётган чумчуқ галаси майин эсган тонг шабадасидан маст ҳолда қўшиғини куйлай бошлади. Шўх қушиқдан завқ олаётган дов-дарахт, ўт-ўланлар эса уларга ҳамоҳанг рақсга тушгандек секин чайқалади.

Ушалган орзуси билан онасини хурсанд қилишни ўйлаб, туни билан ухлай олмаган Олимжон она-табиатнинг бу уйғонишини ўзгача талқин қилади, ётоқхона дераза ойнасидан унинг шодлигини қутлаётганларни завқ билан кузатади. Шаҳар уйғонмоқда. Кўп қаватли уйлар деразасидан чироқлар ёғдуси қоронғулик ичига суқулиб, ўткир тиғлари билан тунни яралайди. Кўчаларда бир дам тинган автомашиналар шовқини тобора кучаймоқда.

Нарсаларини йиғиштириб улгурган Олимжон шаҳарда орттирган дўстлари билан хайрлашиб, автобусга чиққанида қуёш анча баландлаган, заррин нурларини унинг боши узра сочарди. Автобус тиқилинч, "доим шундай" ўйлади Олимжон. Тўғри, шаҳарга келганига ҳали кўп бўлмади. Лекин шу қисқа вақт ичида шаҳар одамларининг қаёққадир шошилишининг гувоҳи бўлди. У автобус илгагидан ушлаганча тик туриб, ойнадан шаҳар гўзаллигини кузатаркан, ичидаги севинч туғёни юзида вулқондек отилиб акс этарди. Автобус ҳар бекатда тўхтаб, эшикларини ланг очади. Олимжон эса бирор танишини учратишни истаб, автобусга шошиб чиқаётганларни кузатади. У университетга ўқишга кирганлигини айтиб, қайсидир танишини ҳам суюнтириш ниятида. Аммо юзлари тунд, минг бир ташвиш миясида ин қурган, ёхуд эътиборсиз автобусга чиқиб, бирор чеккадан жой олганча хотиржам кетаётган одамларни кўриб яна ҳафсаласи пир бўлади. Қалбининг қайсидир чеккасига етиб бормаган севинч яна мағлуб.

Ниҳоят чарчаб ҳориган автобус пишқирганича бекатга тўхтаркан, мана етиб келдинг, туш энди, дегандек шарақлатиб эшикларини очди. Юкларини кўтариб автобусдан тушаркан, Олимжон бир баҳя қаёққа юришини билмай қолиб, ёнгинасида оғир юкларини кўтара олмай турган кишига юзланди. У ҳам шуни куттанмикан бирдан сўз қотди:

—Ука, автобусгача ёрдамлашиб юбормайсизми?

Ўзига ҳамроҳ топилганидан хурсанд Олимжон дарров сумкага қўл узатаркан: —Қаёққа юрамиз, ака,—деди жилмайиб.

—Тошкентликка ўхшамайсиз, буёғи уйгами дейман, —сўз очиб қолди янги ҳамроҳ юкларни кўтариб боришаркан.

—Ҳа, Қашқадарёданман. Абитуриент эдим. Мана, талаба бўлиб қайтаяпман.

—Ууу, табриклаймиз, Қашқадарёнинг қаеридансиз? Мен ҳам ўша томонданман, —дея ҳамроҳи Олимжоннинг юзига тикилди. Табриклаган бўлиб, қўлини маҳкам қисаркан.

—Нишонданман.

—Тўхтанг, кимнинг ўғли бўласиз. Танигандайман. Бир пайтлар у ерларда яшаганман.

Юзида кулгичи кўриниб турган Олимжон бирдан ўйчан бўлиб қолди. Ҳаёлнинг учқур оти уни уйи томон олиб қочган эди. У ҳамроҳига ақлини танигандан буён ўзини олиб қочаётган саволга жавоб беролмай жим. Эй, бегонаку, барибир танимайди, деб отасининг исмини айтишга ҳам тили бормайди. Онасининг исмини эса сўраётгани йўқ.

Олимжон кўп бора шу саволга дуч келганида "яхшиси болалар уйида, ота-онамнинг кимлигини ҳам билмай ўссам яхши бўларди" деб ўйларди. Чунки отасининг кимлигини, уларни ташлаб кетиб бошқа хотин билан яшаётганлигини била туриб "фалончименинг отам" дейишга тили бормас эди. Аммо гоҳида айтишга мажбур. Лекин у бир умр шу саволдан қочиб яшашини ҳис қиларди.

Баҳодир ЖОВЛИЕВ,
Нишон туманидаги 1-ўрта мактаб ўқитувчиси

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ, Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Нўъмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32.
ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 136-54-10, масъул котиб — 136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-54-23.
Газетани IBM компьютерида Лилия БИНАШЕВА саҳифалади.
Навбатчилар: Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Ҳусан НИШОНОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
ИНДЕКС: 149, 150. Г-1117. Тиражи 18.686.
Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти — 20.00.
Топширилди — 20.00.